

Х. НАРХЛАР

1- БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ

Йиғма истеъмол нархлари индекси (ИНИ) озиқ-овқатлар, кийимлар, турар жой, транспорт, соғлиқни сақлаш хизматлари каби одатда якуний истеъмолчи томонидан сотиб олинadиган товарлар ва хизматлар кенг турларининг нарх ўзгаришларини камраб олади. Йиғма ИНИ нафақат инфляциян жараёнларни баҳолаш учун, балки мамлакат умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолашга ёрдам берадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида ҳам фойдаланилади.


2024 йилнинг январь-сентябрь якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 106,8 % га етиб, ўтган йилнинг дастлабки учта чорагидаги кўрсаткичдан 1,7 фоиз бандга баланд, 2022 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан эса 1,3 фоиз бандга паст бўлди.

Йиллик йиғма ИНИ жорий йилнинг июнида 110,5 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрида қисқа муддатли ИНИ диапазони 102,8 % дан (май) 99,7 % гача (июль) ораликда жойлашди. Ушбу давр давомида йиллик йиғма кўрсаткич 1,9 фоиз бандга юқорилади.

Йиғма ИНИ динамикаси


(сентябрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)



(2023 йилнинг декабрига нисбатан, % да)



(сентябрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)




(2023 йилнинг мос ойига нисбатан, % да)




Товарлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг
декабрга нисбатан, % да)



йиллар


(сентябрь ойида ўтган йилнинг
сентябрга нисбатан, % да)



йиллар


Хизматлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг
декабрга нисбатан, % да)



йиллар

(сентябрь ойида ўтган йилнинг
сентябрга нисбатан, % да)



йиллар



Товарлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 101,6 % даражасида қайд этилиб, ушбу давр учун 2020 йилдан буён энг паст кўрсаткич бўлди.

2023 йилнинг сентябрга нисбатан ушбу кўрсаткич 105,0 % га етиб, бу ҳам 2020 йилнинг июнидан буён энг паст кўрсаткич бўлди.

Қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазони 2024 йилнинг январидан сентябригача 99,0 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь) чегарада жойлашди.



Хизматлар соҳасида инфляция ўсиш суръатининг тезлашиши аҳоли учун электр энергияси ва газ тарифларининг оширилиши фонида рўй берди. Хизматлар бўйича ИНИ 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрга нисбатан 124,0 % ни ташкил этди. 2023 йилнинг сентябрга нисбатан ушбу кўрсаткич 128,7 % га етди.

Хизматлар бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари жорий йилнинг январидан сентябригача 115,2 % дан (май) 100,4 % гача (август) диапазонда жойлашди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ

(сентябрда ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)


ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ



170

турдаги
маҳсулотлар

йиллар




2024 йилнинг январь-сентябрида озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ 98,6 % ни, ўртача ойлик пасайиш суръати 0,2 % ни ташкил этди. Ушбу ҳолат мева-сабзавотларнинг нархлари ўртача даражасининг пасайиши ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турлари нархларининг нисбатан барқарорлиги билан изоҳланади.

НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР



250

турдаги
маҳсулотлар




Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилнинг 9 оyi давомида 0,6 % ни ташкил этиб, гуруҳ бўйича қисқа муддатли ИНИ кўрсаткичи 100,2 % – 101,0 % чегарасида жойлашди.

ХИЗМАТЛАР



90

турдаги
хизматлар



Хизматлар бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати жорий йилнинг январь-сентябрида 2,4 фоиз бандга га етиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичидан 1,9 % га баланд бўлди.

Асосий гуруҳлар бўйича нарх ўзгаришларининг йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири

(2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг
декабрига нисбатан, ф.д.)

2023 йилнинг декабрига нисбатан



Жами таъсири **+6,77** ф.д.

2023 йилнинг сентябрига нисбатан




Жами таъсири **+10,46** ф.д.

2024 йилнинг январь-сентябри давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг пасайиши тутиб турувчи омил сифатида хизмат қилиб, 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ 0,61 ф.д. пасайишини таъминлади. Хизматлар гуруҳида нархларнинг ошиши асосий инфляцион омил сифатида хизмат қилди (йиғма ИНИга нисбатан +5,57 ф.д.).


Хизматлар шунингдек, йиллик нисбатдаги йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири бўйича ҳам устунлик қилди (йиғма ИНИ умумий 10,46 ф.д. ўсиш суръатига таъсири +6,66 ф.д.).

Асосий гуруҳлар бўйича нарх ўзгаришларининг йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири динамикаси (ф.д.)

(сентябрь ойида ўтган йилнинг
декабрига нисбатан)



(сентябрь ойида ўтган йилнинг
сентябрига нисбатан)



■ Озиқ-овқат маҳсулотлари ■ Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ■ Хизматлар


2024 йилнинг январь-сентябрида бўлимлар кесимида ИНИ диапазони 98,1 % дан (“Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” (I) бўлими) 136,7 % гача (“Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлими) чегарада жойлашди. I бўлимдан ташқари, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида нархларнинг пасайиши “Ахборот ва алоқа” (VIII) бўлимида ҳам қайд этилиб, 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 99,0 % ни ташкил этди.

Бўлимлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)




I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар



йиллар




II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари



йиллар



III. Кийим ва пойабзал



йиллар




IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари



йиллар




V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш



йиллар



VI. Соғлиқни сақлаш




йиллар

Бўлимлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да)




VII. Транспорт



йиллар




VIII. Ахборот ва алоқа



йиллар




IX. Дам олиш, спорт ва маданият



йиллар




X. Таълим соҳасидаги хизматлар



йиллар




XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари



йиллар




XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар



йиллар



XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, бошқа товарлар ва хизматлар



йиллар

2024 йилнинг январь-сентябрида “Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” бўлимларида ИНИ 2023 йилнинг январь-сентябридаги кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлди. “Турар жой хизматлари, электр, сув, газ ва бошқа ёнилғи турлари” ва “Соғлиқни сақлаш” бўлимларида ИНИ кўрсаткичи ўтган йилнинг учта чорагидаги кўрсаткичдан баландроқ бўлди.

2024 йилнинг сентябрида бўлимлар бўйича йиллик ИНИ 98,9 % дан (“Ахборот ва алоқа” (VIII) бўлими) 140,4 % гача (“Турар жой хизматлари сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлими) чегарада жойлашди.

2023 йилнинг сентябридаги кўрсаткичга нисбатан 2024 йилнинг сентябрида йиллик ИНИ кўрсаткичи “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” (I) (2023 йилнинг сентябрида 110,6 %, 2024 йилнинг сентябрида 101,8 %) ва “Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари” (XI) (121,9 % га 114,8 %) бўлимларида сезиларли даражада паст бўлди.

Бўлимлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг сентябрига нисбатан, % да)





**Озиқ-овқат маҳсулотлари
ва спиртсиз ичимликлар**



**Спиртли ичимликлар
ва тамаки маҳсулотлари**



йиллар



Кийим ва пойабзал





**Турар жой хизматлари, сув,
электр, газ ва бошқа ёнилғи
турлари**



**Уй-рўзгор асбоблари,
маиший техника ва турар
жойларга кундалик
хизмат кўрсатиш**



Соғлиқни сақлаш



Давоми


Бўлимлар бўйича ИНИ

(сентябрь ойида ўтган йилнинг сентябрига нисбатан, % да)



Транспорт


йиллар




Ахборот ва алоқа




Дам олиш, спорт ва маданият



Таълим соҳасидаги хизматлар




Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари



Суғурталаш ва молиявий хизматлар



Маиший товарлар ва хизматлар, бошқа товарлар ва хизматлар



Изоҳ: шу ерда ва кейинги ўринларда ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ тўрт йиллик динамикада келтирилган. 2020 йил учун ойлик ва 2019 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ статистик мақсадларда ретроспектив ҳисобланган.

I бўлим. “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”

I бўлимга кирувчи асосий гуруҳлар бўйича ИНИ кўрсаткичи 2024 йилнинг январь-сентябрида 79,2 % дан (“Мевалар ва ёнғоқлар”) 108,7 % гача (“Гўшт маҳсулотлари”) ораликда бўлди.

Ёғ-мой ва сут маҳсулотлари нархларининг ўртача даражаси 2024 йилнинг сентябрида 2023 йил якунидаги даражадан паст бўлди.


“Гўшт маҳсулотлари”, “Ёғлар ва мойлар”, “Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар”, “Спиртсиз ичимликлар” гуруҳларидан бошқа гуруҳларда 2024 йилнинг январь-сентябри учун ИНИ кўрсаткичи 2023 йилнинг мос давридаги ўхшаш кўрсаткичдан паст бўлди.

Жорий йилнинг сентябрида I бўлим гуруҳлари бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 88,6 % дан (“Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар”) 109,8 % гача (“Спиртсиз ичимликлар”) чегарада бўлди.


“Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум”, “Ёғлар ва мойлар”, “Мевалар ва ёнғоқлар”, “Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар” гуруҳларида нархларнинг ўртача даражаси жорий йилнинг сентябрида 2023 йилнинг мос ойидагидан паст бўлди.

“Ёғлар ва мойлар” ва “Спиртсиз ичимликлар” гуруҳларидан бошқа гуруҳларда йиллик ИНИ кўрсаткичи 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг сентябридаги мос кўрсаткичдан паст бўлди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари



Спиртсиз ичимликлар



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да

Донли экинлар ва ёрма маҳсулотлари	101,8	101,6
Гўшт маҳсулотлари	109,8	108,7
Балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари	107,0	106,2
Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум	99,4	94,8
Ёғлар ва мойлар	99,5	101,2
Мевалар ва ёнғоқлар	96,8	79,2
Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар	88,6	83,2
Шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар	105,6	103,6
Тайёр озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар	107,0	104,7
Чой ва бошқа дамланадиган маҳсулотлар	109,1	106,4
Кофе ва кофе ўрнини босувчилар	110,3	107,9
Салқин ичимликлар	109,6	108,1


— 2024 йил сентябрда
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрда
— 2023 йил сентябрига нисбатан

2024 йилнинг январидан сентябригача биринчи навли буғдой уни, тухум, пахта ёғи, гречка, парранда гўшти, пастеризацияланган сут нархларининг ўртача даражаси 0,2-25,6 % чегарасида пасайди.

Қайта ишланмаган сут, шакар, асосий турдаги нон маҳсулотлари, олий навли буғдой уни аксинча, 2023 йилнинг якунига нисбатан қимматлашди. Бундан ташқари, мол ва қўй гўшти тўққиз ой давомида 10,6-11,3 % атрофида, тирик балиқ 7,0 % га, спиртсиз ичимликлар ўртача 7,7 % га қимматлашди.

Айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ (2024 йилнинг сентябрида, % да)



Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгариши озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ИНИни тутиб турувчи омил сифатида хизмат қилди. Карам, бодринг ва помидор, бақлажон, булғори қалампири, тарвуз, узум каби мева-сабзавотларнинг нархлари 2023 йилнинг декабридаги даражага нисбатан, 8,8-75,3 % чегарасида пасайди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нарх тебранишларини ҳисобга олмаганда озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ мева-сабзавотлар нарх ўзгаришларини ҳисобга олингандаги кўрсаткичдан 2024 йилнинг январь-сентябрида 5,5 фоиз бандга, йиллик нисбатда эса 3,3 фоиз бандга баланд бўлди.

I бўлимга кирувчи товарлар орасида мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум нархларининг ўзгаришлари 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИга тутиб турувчи таъсир кўрсатди (жами -2,14 ф.д.). Гўшт маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар, шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар, донли экинлар ва ёрма маҳсулотлари нархларининг ошиши таъсирида йиғма ИНИ 1,22 ф.д. ошди. Бошқа гуруҳлар таъсири паст даражада бўлди.

2024 йилнинг сентябрида йиллик нисбатдаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига гўшт маҳсулотлари, шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар, спиртсиз ичимликлар нарх ўзгаришларининг таъсири юқорирок бўлди (+1,3 ф.д.). “Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум”, “Ёғлар ва мойлар”, “Мевалар ва ёнғоқлар” ва “Сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар” гуруҳларидаги нарх пасайиши тутиб турувчи омил бўлиб хизмат қилиб, уларнинг ҳисобига 2023 йилнинг сентябрига нисбатан йиғма кўрсаткич 0,75 ф.д. пасайди.

2024 йилнинг январь-сентябрида озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар асосий гуруҳлари нарх ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш (пасайиш) суръатига таъсири ф.д.



ЖАМИ ТАЪСИРИ -0,80 ф.д.

II бўлим. “Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари”

Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бўйича ИНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 107,8 % га, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 % га етди. II бўлим бўйича йиллик ИНИ 2024 йилнинг сентябрь ойида 110,5 % даражасида қайд этилди.

II бўлимнинг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига жами таъсири 0,06 ф.д.ни ташкил этди.

2024 йилнинг учта чораги давомида II бўлимда нархларнинг юқори ўсиш суръати июль ойида (101,2 %), минимум кўрсаткич январь ойида (100,5 %) кузатилди.

Тамаки маҳсулотлари бўйича ИНИ кўрсаткичи 2023 йилнинг декабрига ҳамда сентябрига нисбатан ҳам спиртли ичимликлар кўрсаткичига қараганда баландроқ бўлди.


II бўлимга кирувчи асосий кузатиладиган товар турлари бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ диапазони 103,7 % дан (бошқа тамаки маҳсулотлари) 109,4 % гачани (сигарет) ташкил этди.

2024 йилнинг сентябрь ойида йиллик ИНИ кўрсаткичи 107,0 % дан (коньяк) 111,7 % гача (сигарет) чегарада бўлди.


Спиртли ичимликлар



Тамаки маҳсулотлари



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан

III бўлим. “Кийим ва пойабзал”

Кийимлар ва пойабзал бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 102,6 % даражасида қайд этилди, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,3 % ни ташкил этди. Бу 2024 йилнинг январь-сентябридаги йиғма кўрсаткични 0,24 ф.д. ўсиш суръатини таъминлади. 2024 йилнинг сентябрь ойида ушбу бўлимда йиллик ИНИ кўрсаткичи 105,5 % га етди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида III бўлим бўйича қисқа муддатли йиғма ИНИ 100,0-100,5 % чегарасида бўлди.


III бўлим товар ва хизматлари ИНИ қуйи чегараси 2024 йилнинг январь-сентябрида 98,1 % (аёллар мўйнали қалпоқлари), юқори чегараси 109,3 % (кийимларни таъмирлаш) даражасида қайд этилди.

III бўлим бўйича 2024 йилнинг сентябридаги йиллик ИНИ кўрсаткичи 2023 йилнинг сентябридагидан 1 фоиз бандга паст бўлди.

2023 йилнинг сентябрига нисбатан III бўлим товар ва хизматлари ИНИ 102,1 % дан (аёллар футболкалари) 116,7 % гача (кимёвий тозалаш хизматлари) ораликда жойлашди.

2024 йилнинг сентябрида аёллар футболкалари ҳамда пойабзал таъмирлаш бўйича хизматлар йиллик ИНИ 2023 йилнинг сентябридаги кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлди.



Кийим



Пойабзал



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан

IV бўлим. “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”


IV бўлим бўйича 2024 йилнинг январь-сентябридаги ИНИ 136,7 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 3,5 % ни ташкил этди. Бўлимнинг 2024 йилнинг январь-сентябридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига умумий таъсири 4,40 ф.д.га етди. IV бўлим бўйича йиллик йиғма ИНИ жорий йилнинг сентябрида 140,4 % даражада қайд этилди.

2024 йилнинг январь-сентябри давомида газ нархи 2,3 баробарга, суюлтирилган газ 42,7 % га, электр энергияси 67,0 % га, чиқиндиларни олиб кетиш учун тўлов 54,7 % га, совуқ сув ва канализация 24,9 % га, иссиқ сув 18,7 % га, иситиш тизими учун тўлов 16,8 % га ошди.


Уй-жой учун амалдаги ижара ҳақи




Турар жойларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қўриқлаш бўйича хизматлар




Сув билан таъминлаш ва турар жойларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа хизматлар



Электр энергияси, газ ва бошқа ёнилғи турлари



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан


— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан

V бўлим. “Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш”

V бўлимда 2024 йилнинг январь-сентябридаги ИНИ 103,4 % ни ташкил этиб, унинг ҳисобига 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ 0,20 ф.д. юқорилади.

Ушбу давр давомида V бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари 100,1 % (февраль) -100,7 % (сентябрь) чегарада жойлашди.

2024 йилнинг июнида V бўлим бўйича йиллик ИНИ кўрсаткичи 105,9 % га етди.



V бўлим товар ва хизматлари орасида уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ хизматлар ва маиший хизматлар ИНИ жорий йилнинг тўққиз ойида 109,7 % ни, мебелларни, уй-рўзгор буюмлари ва тукли гиламларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага бериш, уй хўжалигида фойдаланиладиган тўқимачилик буюмларини таъмирлаш, ижарага бериш ва тикиш бўйича хизматларда 106,6 % ни, маиший приборларни таъмирлаш, ўрнатиш ва ижарага бериш бўйича хизматларда 106,1 % ни ташкил этди.

Бўлимга кирувчи бошқа товарлар ва хизматлар нархларининг ошиши таҳлил қилинаётган даврда паст даражада бўлди.

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан


VI бўлим. “Соғлиқни сақлаш”

2024 йилнинг январь-сентябрида VI бўлим бўйича ИНИ 117,5 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,8 % ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш соҳасида 2024 йилнинг сентябрида йиллик ИНИ 119,9 % даражасида қайд этилди.


Бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йилнинг январь-сентябридаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,98 ф.д.га етди.

Бўлимга кирувчи товарлар ва хизматлар бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ қуйи чегараси 104,0 % (кўриш учун ёрдамчи воситалар), юқори чегараси – 125,4 % (антибиотик)ни ташкил этди. 2024 йилнинг сентябрь ойида йиллик ИНИ диапазони 106,4 % (кўриш учун ёрдамчи воситалар) – 125,8 % ни (антибиотиклар) ташкил этди.


Дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар




Амбулаторияда даволаш бўйича хизматлар





Стационарда даволаш бўйича хизматлар



Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



Профилактик ва химояловчи воситалар



Тиббий лабораториялар хизматлари



Шахсий фойдаланиш учун
даволовчи ускуналар



Диагностика визуализацияси хизматлари



— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан

VII бўлим. “Транспорт”


“Транспорт” (VII) бўлимида 2024 йилнинг сентябридаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 107,7 % ни, ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 % ни ташкил этди. Ушбу бўлимдаги нарх ўзгаришларининг 2024 йилнинг уч чорагидаги йиғма ИНИ ўсиш суръати таъсири 0,74 ф.д.га етди. VII бўлим бўйича йиллик ИНИ 116,2 % даражасида қайд этилди.

Автомобиль учун газ ёнилғиси бўйича ИНИ 2024 йилнинг январь-сентябр-рида 120,6 % дан (метан) – 129,7 % (пропан) гача ораликда тебланди. Бензин бўйича ИНИ ушбу даврда 100,3 % ни ташкил этди. Ҳайдовчиларни тайёрлаш курслари хизматлари ИНИ 119,6 % га, автотураргоҳлар хизматлари ИНИ 114,5 % га етди. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари ИНИ 100,0 % дан (метро, трамвай ва троллейбус) 140,1 % гача (шаҳар ичидаги поездда йўл ҳақи) ораликда бўлди.


Транспорт воситаларини сотиб олиш



Шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиш





Йўловчи ташиш транспорти хизматлари



Товарларни етказиб бериш хизматлари



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан

VIII бўлим. “Ахборот ва алоқа”

Ахборот ва алоқа соҳасида 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 100,0 % даражадан пастлаб, 99,0 % га етди. Ушбу кўрсаткич, мазкур ой учун 2020 йилдан буён қайд этилган энг паст кўрсаткич бўлди. Таққослаш учун, ахборот ва алоқа соҳасида нархларнинг пасайиши 2023 йилнинг январь-сентябрида 0,2 % ни ташкил этган бўлса, ундан олдинги йилларда нархларнинг ўсиши қайд этилган. VIII бўлим бўйича йиллик ИНИ жорий йилнинг сентябрида 98,9 % даражасида қайд этилди.


VIII бўлим товар ва хизматлари бўйича 2024 йилнинг январь-сентябридаги ИНИ 95,7 % дан (мобил алоқа хизматлари) 108,3 % гача (ахборот-коммуникация ускуналарини таъмирлаш) ораликда бўлди.

2024 йилнинг сентябридаги йиллик ИНИ ушбу бўлимда 93,9 % дан (мобил алоқа хизматлари) 115,0 % гача (стационар алоқа хизматлари учун абонент тўлови) чегарада тебранди.







Ахборот ва коммуникация ускуналари



Ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан


IX бўлим. “Дам олиш, спорт ва маданият”

Дам олиш, спорт ва маданият соҳасида 2024 йилнинг сентябрь ойидаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 106,0 % даражасида шаклланди. Бу 2023 йилнинг январь-сентябридаги кўрсаткичдан 1,2 фоиз бандга паст.


IX бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ диапазони жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 100,3 % дан (май) 101,2 % гача (сентябрь) оралиқда жойлашди. Ушбу бўлимда ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати кўриб чиқилаётган даврда 0,6 % ни ташкил этди.

IX бўлим товар ва хизматлари нарх ўзгаришларининг 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,10 ф.д.ни ташкил этди.

Боғдорчилик маҳсулотлари
ва уй хайвонлари



Дам олишни ташкил этиш
бўйича хизматлар




Маданий тадбирларни
ташкил этиш бўйича
хизматлар




Газета, китоблар ва
канцелярия товарлари



Комплекс дам олишни
ташкил этиш бўйича
хизматлар



Дам олиш учун
бошқа товарлар



Ушбу бўлимда 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси 126,7 % га (ойлик журнал), қуйи чегараси – 90,4 % га (А4 форматидаги қоғоз) етди.

IX бўлим бўйича йиллик ИНИ 2024 йилнинг сентябрида 108,8 % даражасида қайд этилди.

Йиллик нарх индекслари диапазони 88,1 % дан (А4 форматидаги қоғоз) 127,0 % гача (ҳайвонот боғлари хизматлари) оралиқда жойлашди.

— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан


Х бўлим. “Таълим соҳасидаги хизматлар”

Таълим соҳасидаги ИНИ жорий йилнинг январь-сентябрида 112,5 % ни ташкил этиб, бунинг ҳисобига йиғма кўрсаткич 0,41 ф.д. ошди. Х бўлим бўйича йиллик нисбатдаги ИНИ 114,6 % га етди.


2024 йилнинг сентябридан Ўзбекистоннинг давлат ОТМ барча йўналишларида тўлов-шартнома асосида ўқиш қиймати оширилди. Ушбу хизмат тури бўйича қисқа муддатли ИНИ 115,1 % ни ташкил этди.

Жорий йилнинг июнидан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида давлат МТТ хизматлари учун тўлов миқдори 20 % га оширилди. Хусусий болалар боғчалари хизматлари 2024 йилнинг январь-сентябри давомида 10,2 % га, репетиторлар хизматлари 10,8 % га, таълим курсларида ўқиш учун тўлов қиймати 9,4 % га ошди.


Мактабгача ва бошланғич таълим





Олий таълим



Босқичларга бўлинмаган таълим



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига
нисбатан

*) мактабгача таълим ташкилотлари.

ХI бўлим. “Ресторанлар ва меҳмонохоналар хизматлари”

ХI бўлимда 2024 йилнинг январь-сентябрида ИНИ 109,0 % даражасида қайд этилиб, йиғма ИНИ ўсиш суръатига 0,17 ф.д. таъсир этди. ХI бўлим бўйича ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,0 % ни ташкил этди.


Меҳмонхона хизматлари соҳасида 2024 йилнинг январь-сентябри давомида нархларнинг ўсиш суръати озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича хизматлардан юқори бўлди (116,4 % га 108,4 %).

2023 йилнинг декабрига нисбатан бўлимнинг товар ва хизматлари кесимида ИНИ диапазони 108,1 % дан (кафелардаги тайёр таомлар) – 116,5 % гачани (дам олиш марказлари хизматлари) ташкил этди.

Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари бўйича йиллик ИНИ жорий йилнинг сентябрида 114,8 % га етиб, 2023 йилнинг сентябридаги мос кўрсаткичдан 7,1 фоиз бандга паст бўлди.

Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари соҳасида 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг сентябрига нисбатан ИНИ кўрсаткичи 113,4 % дан (кафелардаги тайёр таомлар) 118,3 % гача (дам олиш марказлари хизматлари) оралиқда жойлашди.


Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни етказиб бериш



Меҳмонхоналар хизматлари



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан

ХII бўлим. “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”

ХII бўлим бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 101,8 % даражасида қайд этилди.

2024 йилнинг январь-сентябри давомида суғурталаш соҳасидаги нархлар ҳолати барқарор бўлди. Молиявий хизматлар бўйича ИНИ ушбу даврда 102,5 % га етди.

Бўлимдаги нарх ўзгаришлари хусусияти бевосита, айрим банкларда миллий валютадаги хизматлар қийматининг ўзгариши ҳамда хорижий валютада белгиланган хизматлар учун тўлов қийматига АҚШ доллари курси ўзгаришининг таъсири билан боғлиқ бўлди.


ХII бўлим бўйича қисқа муддатли ИНИ тебранишлари диапазони 2024 йилнинг январидан сентябригача 99,8 % дан (февраль) 100,8 % гачани (июль) ташкил этди.

Умуман олганда, 2024 йилнинг тўққиз ойи давомида ХII бўлимда кузатиладиган хизматлар нархларининг ўсиши 100,1 % дан (микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари) 103,7 % гача (электрон тўлов тизимлари орқали пул маблағларини ўтказиш бўйича хизматлар) оралиқда бўлди.

2024 йилнинг сентябрида йиллик ИНИ кўрсаткичи 103,0 % га етиб, 2023 йилнинг сентябридаги мос кўрсаткичдан 0,1 фоиз бандга баланд бўлди.

2024 йилнинг сентябрида молиявий хизматлар бўйича йиллик ИНИ диапазони 100,1 % – 106,1 % оралиғида бўлди.


Суғурталаш



Молиявий хизматлар



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да



— 2024 йил сентябрида
2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан

ХIII бўлим. “Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя
ва турли товарлар ва хизматлар”

Маиший товарлар ва хизматлар



ХIII бўлимда 2024 йилнинг январь-сентябрида ИНИ 105,9 % (таъсири +0,28 ф.д.) даражасида қайд этилди. 2024 йилнинг сентябрида ХIII бўлимда йиллик нисбатдаги ИНИ 108,9 % га етди.

Ушбу бўлимда 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ 98,1 % дан (соқол олиш учун кўпик, крем, гель) – 114,8 % гача (никоҳ узуклари) чегарада, 2023 йилнинг сентябрига нисбатан 99,6 % дан (соқол олиш учун кўпик, крем, гель) 124,7 % гача (ҳаммом ва душхоналар хизматлари) диапазонда тебранди.

Шахсий фойдаланиш учун бошқа буюмлар



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ, % да

Шахсий фойдаланиш учун электр асбоблар



Шахсий фойдаланиш учун бошқа приборлар ва буюмлар



Сартарошхоналар хизматлари



Соатларни таъмирлаш




Диний хизматлар



Нусха кўчириш бўйича хизматлар



Бошқа хизматлар



— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил декабрига нисбатан

— 2024 йил сентябрида
— 2023 йил сентябрига нисбатан


Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари 2024 йил бошидан давр учун йиғма ИНИ ўсиш суръатига энг юқори таъсир кўрсатган бўлим бўлди. Соғликни сақлаш ва транспорт соҳаларидаги нарх ўзгаришларининг таъсири ҳам нисбатан баланд бўлди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар нархлари ўртача даражасининг пасайиши тутиб турувчи омил бўлиб хизмат қилиб, 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма ИНИ 0,80 ф.д. пасайишини таъминлади.

2023 йилнинг сентябрига нисбатан жорий йилнинг сентябридаги йиғма ИНИ ўсиш суръати тузилмасида юқорирок таъсир даражаси “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” (IV) бўлимига тегишли бўлди (10,5 ф.д.дан 4,85 ф.д.). Транспорт соҳасида нархларнинг ошиши ҳисобига йиллик нисбатдаги йиғма кўрсаткич 1,56 ф.д., озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар нархларининг ошиши ҳисобига қўшимча 0,76 ф.д. юқорилади. Ахборот ва алоқа соҳасида нархларнинг пасайиши тутиб турувчи омил бўлди.

**ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари кесимида нарх ўзгаришларининг
йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири**
(2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан, ф.д.)

ЖАМИ ТАЪСИРИ +6,77 ф.д.



2- БЎЛИМ. САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари йиғма индекси (ИЧНИ) – бу, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида нархларнинг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқариш соҳасидаги инфляцион жараёнларнинг индикатори ҳисобланади. ИНИ билан бир қаторда, мазкур индекс иқтисодий ривожланиш ва унинг истиқболларини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар тўпламига киради.

2024 йилнинг январь-сентябрида йиғма ИЧНИ 111,1 % ни ташкил этди.


Йиғма кўрсаткичнинг ўртача ойлик ўсиш суръати 2024 йилнинг январь-сентябрида 1,2 % даражасида қайд этилди.

Йиллик ИЧНИ жорий йилнинг 3 та чораги давомида 6,1 фоиз бандга, 115,6 % дан 121,7 % гача ошди.

Таҳлил қилинаётган даврда қисқа муддатли ИЧНИ кўрсаткичи апрель ойида (102,5 %) энг баланд, февраль ойида (100,5 %) энг паст кўрсаткични қайд этди.

Йиғма ИЧНИ динамикаси


(сентябрда ўтган йилнинг
декабрга нисбатан, % да)



(2023 йилнинг декабрга
нисбатан, % да)



(сентябрда ўтган йилнинг
декабрга нисбатан, % да)




(2023 йилнинг мос ойига
нисбатан, % да)




Секциялар бўйича ИЧНИ

(сентябрда 2023 йил декабрига нисбатан, % да)



Ишлаб чиқариш фаолиятига кирувчи тўртта йирик секциялар орасида 2024 йилнинг тўққиз ойи давомида “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш” (Е) секцияси бўйича ИЧНИ кўрсаткичи бошқаларга қараганда юқорироқ (134,7 %) бўлди. Бошқа секциялардаги нарх ўсиши паст даражада бўлди.

(сентябрда 2023 йил сентябрига нисбатан, % да)




2024 йилнинг сентябрь ойида йиллик нисбатдаги ИЧНИ “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш” (D) ва “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш” (Е) секцияларида ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ўртача кўрсаткичдан баланд бўлди.

2024 йилнинг сентябрь ойида энг паст йиллик ИЧНИ (113,0 %) “Ишлаб чиқариш саноати” (С) секциясида қайд этилди.

В	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	Д	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
С	Ишлаб чиқариш саноати	Е	Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш

Нархлар кузатувида “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ2)га мувофиқ, асосий фаолият турлари В, С, D ва Е секцияларига тааллуқли бўлган корхоналар қамраб олинади.

Нарх ўзгаришининг ИЧНИга таъсири
(2024 йил январь-сентябрь, ф.д.)



Йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига жами таъсири **+11,09**

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш **В секцияси +1,27**

Ишлаб чиқариш саноати **С секцияси +7,94**



Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **Д секцияси +1,63**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **Е секцияси +0,25**

2024 йилнинг январь-сентябридаги йиғма ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасида энг юқори улуш (71,6 %) ишлаб чиқариш саноатидаги нарх ўзгаришларига тегишли. Мазкур саноат фаолиятига тааллуқли ишлаб чиқарувчилар нархларининг ошиши ҳисобига йиғма кўрсаткич 7,94 ф.д. ўсди. Ишлаб чиқариш саноатидаги инфляцион жараёнларнинг устунлик қилиши мазкур фаолият турининг республика саноат ишлаб чиқариш тузилмасидаги юқори улуши билан изоҳланади.

Жорий йилнинг учта чораги натижаларига кўра, нисбатан юқори ИЧНИ кўрсаткичи қайд этилганига қарамай (134,7 %), Е секциясига энг паст таъсир улуши (2,3 %) тегишли бўлиб, бу секциянинг нисбатан паст салмоқ вазнга эгаллиги билан изоҳланади.

Йиғма ИЧНИ умумий ўсиш суръатига таъсир динамикаси
(2020-2024 йилларнинг январь-сентябрида, п.п.)



Сўнгги беш йил давомида “Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш” (В) секциясида сентябрь ойидаги ўтган йилнинг декабрига ва йиллик нисбатдаги ИЧНИ энг юқори ўсиш суръати 2022 йилда қайд этилган.

В секциясида ИЧНИ ўсиш суръати 2024 йилнинг сентябрида 2022 йилдаги мос кўрсаткичлардан 2023 йилнинг декабрига нисбатан 7,2 фоиз бандга баланд, 2023 йилнинг декабрига нисбатан эса 1,0 фоиз бандга паст бўлди.

2024 йилнинг сентябрида С секцияси бўйича ўтган йилнинг декабрига ва йиллик нисбатдаги ИЧНИ кўрсаткичи ўтган йилнинг сентябридаги мос кўрсаткичлардан баланд бўлган бўлса, 2022 йилнинг сентябридаги юқори кўрсаткичлардан паст бўлди.


Д ва Е секцияларида инфляцион жараёнлар 2023 йилнинг III чорагида тезлашиб, бу ҳолат асосан ушбу фаолият турларида нархларни шакллантириш жараёнларига бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш билан изоҳланади.

Сентябрь ойида секциялар бўйича ИЧНИ динамикаси, % да

В СЕКЦИЯ



**Тоғ-кон саноати
ва очиқ конларни
ишлаш**




йиллар

С СЕКЦИЯ



**Ишлаб чиқариш
саноати**




йиллар

Д СЕКЦИЯ



**Электр, газ, буг билан
таъминлаш ва ҳавони
кондициялаш**




йиллар

Е СЕКЦИЯ



**Сув билан таъмин-
лаш, канализация
тизими, чиқиндилар-
ни йиғиш ва қайта
ишлаш**




йиллар

— ўтган йилнинг декабрига нисбатан

— ўтган йилнинг сентябрига нисбатан

В секцияси. “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш”

В секцияси бўйича ИЧНИ



шу жумладан, фаолият турлари бўйича, % да:



— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг декабрга нисбатан

— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг сентябрга нисбатан

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда ИЧНИ 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрга нисбатан 112,9 % ни, сентябрга нисбатан 115,9 % ни ташкил этди.

В секцияси бўйича ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати ушбу даврда 1,4 % га етди.

Жорий йилнинг январидан сентябрга В секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ қуйи чегараси 97,0 % га тушган бўлса, юқори чегараси – 107,0 % га етди.

В секциясида ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўсиши ҳисобига 2024 йилнинг сентябридаги йиғма ИЧНИ 1,27 ф.д. (умумий таъсирнинг 11,4 % и) ошди.

2023 йилнинг декабрга нисбатан В секциясига тааллуқли асосий фаолият турлари бўйича ИЧНИ диапазони 100,0 % (кўмир ва лигнит қазиб олиш) – 116,8 % ни (тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари) ташкил этди.

Йиллик нисбатдаги ИЧНИ тебранишлари чегараси 2024 йилнинг сентябрида 100,5 % (тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар) – 136,8 % (металл рудалар қазиб олиш) оралиғда бўлди.

Фойдали қазилмалар қазиб олиш соҳасидаги нархлар ҳолати ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда асосий турдаги хомашё ресурсларининг биржа котировкалари ўзгаришлари босими остида шаклланди.

В секциясига кирувчи маҳсулотлар кесимида 2024 йилнинг январь-сентябрида ИЧНИ 96,3 % дан (табiiй газ конденсати) 130,7 % гача (табiiй кум) ораликда бўлди.

В секциясининг айрим товарлари бўйича ИЧНИ, % да



— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг декабрига нисбатан


— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг сентябрига нисбатан

Хом нефть ва табиий газ қазиб олишда нархлар ўзгаришининг 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири +8,82 ф.д.ни ташкил этди. Ушбу фаолият турининг В секциясидаги ИЧНИ умумий ўсиш суръатидаги улуши 68 % дан ошди.

Металл рудалар қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгариши В секцияси бўйича ИЧНИга 3,12 ф.д. (таъсир улуши 24,2 %) кўшди.


Қолган фаолият турларидаги ўзгаришларнинг таъсири паст даражада бўлди.

Нарх ўзгаришининг В секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири, ф.д. (2024 йил январь-сентябрь, ф.д.)



С секцияси. “Ишлаб чиқариш саноати”

С секцияси бўйича ИЧНИ




С секцияси бўйича 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ 110,6 % га етиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,1 % ни ташкил этди.

Йиллик нисбатда С секцияси бўйича ИЧНИ 2024 йилнинг сентябрида 113,0 % даражасида қайд этилди.

С секциясига кирувчи фаолият турлари кесимида 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ диапазони 100,8 % дан (кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш) 145,5 % гача (ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш) чегарада жойлашди.

шу жумладан фаолият турлари бўйича, % да:



— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг декабрига нисбатан

— 2024 йилнинг сентябрида
2023 йилнинг сентябрига нисбатан

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида С секцияси бўйича нархларида нисбатан юқори ўсиш кузатилган фаолият турлари орасидан ёзма материалларни нашр этиш ва акс эттириш (145,5 %), тери ва унга тааллуқли маҳсулотлар ишлаб чиқариш (124,8 %), металлургия саноати (121,9 %) ва бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш (117,9 %) фаолиятларини кўрсатиш мумкин.

С секциясидаги нарх ўзгаришларининг 2024 йилнинг сентябридаги 2023 йилнинг декабрига нисбатан йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири 7,94 ф.д.га етиб, умумий таъсир даражасининг 71,6 % ини ташкил этди.

С секцияси бўйича 2024 йилнинг январь-сентябридаги ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасига келадиган бўлсак, нисбатан юқори улуш металлургия саноати, тайёр металл маҳсулотлари (машина ва ускуналардан ташқари), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим, тери ва унга тааллуқли маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқаришда кузатилди.

Санаб ўтилган фаолият турларининг С секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига жами таъсири 8,03 ф.д.га етган бўлса, С секцияси бўйича умумий ўсиш суръати 10,56 ф.д.ни ташкил этди.

С секцияси бўйича 2024 йилнинг сентябридаги йиллик ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасида 47 % атрофидаги улуш металлургия саноатидаги нарх ўзгаришлари ҳиссасига тўғри келди. Мазкур саноат фаолияти туридаги нарх ўзгаришлари ҳисобига С секцияси бўйича йиллик нисбатдаги ИЧНИ 6,09 ф.д. юқорилади. Бошқа фаолият турлари таъсири паст даражада бўлди.

Нарх ўзгаришларининг С секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири (2024 йил январь-сентябрь, ф.д.)

ЖАМИ ТАЪСИР +10,56 ф.д.



**Ишлаб чиқариш саноатининг айрим фаолият турлари бўйича ИЧНИ
(2024 йил январь-сентябрь)**

Металлургия саноатида 2024 йилнинг январь-сентябрида ИЧНИ 121,9 % даражасида шаклланди, ўртача ойлик ўсиш суръати 2,2 % ни ташкил этди. Бунинг ҳисобига С секцияси бўйича ИЧНИ 5,77 ф.д. юқорилади.


МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ



2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан


Шундай қилиб, металлургия саноати ҳиссасига С секциясига кирувчи фаолият турлари умумий таъсирининг салкам 55 % улуши тўғри келди.

шу жумладан, % да:



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 103,4 % га етиб, С секцияси бўйича ИЧНИга 0,34 ф.д. таъсир этди. Қўшимчалар қўшилмаган, бижғитилган ёки ивигитилган сут ёки қаймоқнинг бошқа турларини (143,3 %) ишлаб чиқаришда нархларнинг нисбатан юқори ўсиши кузатилди.


**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



2024 йил сентябрида
2023 йил сентябрига нисбатан

Шу билан бир қаторда, декстринлар ва бошқа модификацияланган крахмал (-18,7 %), шакар (-9,4 %), пиширилган колбаса (-5,4 %), майонез (-6,1 %), пахта ёғи (-3,6 %), ферментацияланмаган, 3 кгдан кўп бўлмаган упаковкаланган қўқ чойдан ташқари чойлар (1,0-4,2 % чегарасида), музлатилган парранда гўшти (-2,7 %) ишлаб чиқаришда нархлар пасайганлиги кузатилди.

шу жумладан, % да:



Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда жорий йилнинг январь-сентябридаги ИЧНИ 104,9 % даражасида қайд этилиб, С секцияси бўйича 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ ўсиш суръатида 0,60 ф.д. акс этди. 2024 йилнинг январь-сентябрида тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ диапазони 70,3 % дан (техникада фойдаланиш учун бошқа тўқимачилик буюмлари ва товарлари) 193,8 % гача

**ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



(газламалар ва тўқимачилик маҳсулотларига пардоз бериш бўйича бошқа хизматлар) ораликда бўлди. Жут ёки бошқа тўқимачилик материалларидан ишланган канатлар, арконлар, каноplar ва чилвирлар (-16,2 %), ип газламалар (-2,3 %), уй хўжалиги учун (кийимлардан ташқари) тайёр тўқимачилик буюмлари (-2,0 %) ишлаб чиқаришда нархлар пасайди.

шу жумладан, % да:

Тўқимачилик толаларини
тайёрлаш ва йигириш
98,7 **102,8**

Тўқимачилик матолари
95,5 **98,9**

Тўқимачилик маҳсулотларига
пардоз бериш бўйича хизматлар
132,7 **135,7**

Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари
117,3 **113,4**

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 103,5 % га етиб, С секцияси бўйича ИЧНИ 0,41 ф.д. ўсиш суръатига сабаб бўлди. Мазкур фаолият тури маҳсулотлари орасида 2023 йилнинг декабрига нисбатан юқори ИЧНИ кўрсаткичи маҳсус ишларга мўлжалланган бошқа автомобиллар (155,7 %) ишлаб чиқаришда қайд этилди.

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ,
ТРЕЙЛЕРЛАР ВА ЯРИМ ТИРКАМАЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



Шу билан бирга, автомобил ва мотоцикл учун товушли ёки ёруғлик сигнализация электр ускуналари, ойнатозалагичлар, музлашга ва буғланишга қарши воситалар (-8,2 %), юк ташиш учун тиркамалар ва яримтиркамалар (-6,7 %), автомобил кузовлари (корпуслари) тиркама ва ярим тиркамалар (-1,5 %) ишлаб чиқарувчилар нархларида пасайиш қайд этилди.

шу жумладан, % да:

Автотранспорт воситалари
112,3 **103,6**

Автомобиль кузови (корпуси),
тиркамалар ва ярим тиркамалар
99,7 **98,5**

Транспорт воситалари учун бутловчи
қисмлар ва аксессуарлар
104,1 **103,8**

Давоми

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ИЧНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 104,7 % даражасига етди. Бу С секцияси бўйича ИЧНИ 0,28 ф.д. ошишига таъсир қилди.

Ёғлаш учун мойлар бўйича ИЧНИ 2023 йилнинг декабрига нисбатан 107,7 % ни, пропан ва суолтирилган бутанда 107,2 % ни, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини бажариш бўйича субпудратчилар хизматларида 106,0 % ни, ди-

зел ёқилғисида 103,1 % ни ташкил этди.

100 % дан паст ИЧНИ бензин (90,0 %), керосин типигаги реактив ёқилғи (95,7 %), суюқ нефт ёқилғиси, мазут (92,9 %), нефт битуми (97,4 %), вазелин, парафин, нефт муми ва бошқа мумлар (93,2 %) ишлаб чиқаришда қайд этилди.

Бошқа кузатиладиган маҳсулотлар турлари бўйича нархлар даражасида ўзгаришлар қайд этилмади.

**КОКС ВА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



шу жумладан, % да:

Суюқ ва газсимон мотор ёқилғиси,
мойлаш учун нефт мойлари
104,1 **98,0**

Нефт газлари ва бошқа газсимон
углеводородлар (табiiй газдан ташқари)

122,7 **107,2**

Бошқа нефт маҳсулотлари

112,7 **95,6**

2024 йилнинг январь-сентябрида кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ИЧНИ 100,8 % га етиб, С секцияси бўйича ИЧНИ 0,05 ф.д. пасайишини таъминлади.

2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ диапазони 28,8 % дан (сублимация қилинган ёки чўктирилган олтингугурт) 151,1 % гача (турли концентрациядаги этил спирти ва бошқа денатурланган этил спирти) чегарада жойлашди.

**КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



шу жумладан, % да:

Пестицидлар ва бошқа
агрокимё маҳсулотлари

112,4 **111,0**

Бўёқ, лак ва шунга ўхшаш бўяш моддалари,
типография бўёқлари ва мастикалари

113,0 **112,6**

Совун ва ювиш, тозалаш ва силлиқловчи
воситалар, парфюмерия ва пардозлаш
воситалари

101,9 **100,2**


Кимёвий толалар

97,3 **95,2**

**D секцияси. “Электр, газ, буғ билан таъминлаш
ва ҳавони кондициялаш”**

D секцияси бўйича ИЧНИ

191,9 % **111,5 %**



**шу жумладан, фаолият
турлари бўйича ИЧНИ, % да:**

Электр энергиясини ишлаб чиқариш,
узатиш ва тақсимлаш хизматлари
186,7 **106,9**

Сунъий газ, газсимон ёқилғини қувурлар
орқали тақсимлаш хизматлари
192,5 **125,2**


Буғ ва кондицияланган ҳаво билан
таъминлаш бўйича хизматлар
238,5 **141,7**

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда ИЧНИ 2024 йилнинг сентябрида 2023 йилнинг декабрига нисбатан 111,5 % даражасида қайд этилди.

D секциясининг 2024 йилнинг январь-сентябридаги йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири 1,63 ф.д. ни (умумий таъсир даражасининг 14,7 % и) ташкил этди.

2023 йилнинг декабрига нисбатан ИЧНИ буғ ва иссиқ сув билан таъминлаш хизматларида 156,1 % ни, узатиш қувурлари орқали газсимон ёқилғини сотиш ва тақсимлаш хизматларида мос равишда 149,8 % ва 122,6 % ни, иссиқлик энергиясида 135,6 % ни, кўмирни ер остида газга айлантиришдан олинган газ 115,0 % ни, электр энергиясини сотишда 109,3 % ни, уни узатиш бўйича хизматларда 105,4 % ни ҳамда электр энергияси ишлаб чиқаришда 104,2 % ни ташкил этди.

**Нарх ўзгаришларининг D секциясида ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири
(2024 йил январь-сентябрь, ф.д.)**



Электр энергиясини ишлаб чиқариш,
узатиш ва тақсимлаш бўйича хизматлар

+5,44

Сунъий газлар, газсимон ёқилғини қувурлар бўйича тақсимлаш хизматлари


+4,08

Буғ ва кондицияланган ҳаво билан таъминлаш бўйича хизматлар

+1,98

Е секцияси. “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни
йиғиш ва утилизация қилиш”

Е секцияси бўйича ИЧНИ



шу жумладан, фаолият
турлари бўйича ИЧНИ, % да:




Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишда ИЧНИ 2024 йилнинг январь-сентябрида 134,7 % даражасида қайд этилди.

Е секцияси бўйича 2024 йилнинг январь-сентябридаги ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасининг 70 % дан ортиғи сувни қайта ишлаш ва тақсимлаш хизматларига тўғри келди. Ушбу фаолият турида тарифларнинг оширилиши ҳисобига Е секцияси бўйича ИЧНИ 25,22 ф.д. юқорилади.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида сувни қайта ишлаш ва сув тармоқлари бўйича тақсимлаш хизматлари 43,9 % га, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш 21,8 % га, шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли ва яроқсиз хавфсиз чиқиндиларни йиғиш – мос равишда 30,1 % ва 45,5 % га, қайта фойдаланишга яроқсиз бошқа хавфсиз чиқиндиларни йиғиш 12,4 % га, чиқиндиларга ишлов бериш ва йўқотиш 36,6 % га, материаллардан қайта фойдаланиш 12,3 % га, ҳавони зарарсизлантириш ва ифлосланишдан тозалаш бўйича хизматлар 14,3 % га қимматлашди.

Нарх ўзгаришларининг Е секцияда ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири, ф.д.
(2024 йил январь-сентябрь, ф.д.)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолда, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжалиқларининг кузатуви натижасида олинган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

ИНИни шакллантиришда “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (ХВЖ, ИҚРТ, Евростат, БМТ, ЙИК, Жаҳон банки ва ХМТ) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Статистика агентлигининг 2024 йил 20 майдаги 106-сон буйруғи билан янги таҳрири тасдиқланган) асос бўлиб хизмат қилади <https://lib.stat.uz>.

Нархларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10- санасидан 20- санасигача амалга оширилади. Маълумотларни йиғиш шундай ташкил этилганки, бу вақт оралиғида нархларни рўйхатга олиш ҳар бир товар ва хизмат бўйича бир марта амалга оширилади ва қўшни даврлар учун рўйхатга олиш оралиғи бир календар ойни ташкил қилади. Ҳар ойда 10 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кузатилади ва 120 мингдан ортиқ нарх котировкалари қайд этилади.

ИНИни шакллантириш қуйидаги иккита маълумотлар манбаси асосида амалга оширилади:

- 1) уй хўжалиқларида ўтказиладиган танланма кузатувлар маълумотлари асосида шаклланидиган аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
- 2) ҳудудлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, намуна товарлар танланмаси доирасида нархларни қайд этиш маълумотлари.

Шундай қилиб, ҳар бир позициянинг (бўлим, гуруҳ, аниқ товар ёки хизмат) йиғма кўрсаткич ўзгаришига таъсири позициянинг нарх ўзгаришлари ва харажатлар таркибидаги салмоқ вазнидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2021 йилдан бошлаб, ИНИни шакллантириш ЎзР МИИТ асосида амалга оширилади.

ЎзР МИИТ – Ўзбекистон Республикасининг Мақсадлар бўйича истеъмол таснифлагичи миллий ҳисобларнинг таркибий қисми ҳисобланган БМТнинг Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи – 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018) асосида ишлаб чиқилган. ЎзР МИИТ статистика фаолияти соҳасида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ИНИ, уй хўжалиқлари статистикаси, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) халқаро таққослаш дастурларида ва унинг компонентлари бўйича харажатларни ҳисоблаш учун статистик базани шакллантириш мақсадида маълумотларни таснифлаш ва кодлаштиришда фойдаланилади.

Нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

Қиёсий нарх (муомаладаги нарх) – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган бир хил ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

Рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

Нархларни рўйхатга олиш – шакллантирилган товарлар (хизматлар) тўпламига киритилган товарлар (хизматлар) нархлари тўғрисида маълумот тўплаш усули.

Нархлар даражаси – муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларни шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

Мавсумийлик – ўзгарувчан фасллар, дон, сабзавот ва меваларни пишиб етилиш даври, уларни қайта ишлаш, муайян ишларни бажариш, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ва бошқалар билан боғлиқ такрорий ўзгаришлар.

Индивидуал нарх индекси – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

Жамланган (йиғма) нарх индекси – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

Қисқа муддатли нарх индекси – ўтган ойга нисбатан нарх индекси.

Ишлаб чиқарувчи нархи – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.